





2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

ЖАМИЯТ

№ 14
(935)
2025 йил
10 апрель,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета



Ҳамкорлик

ДУНЁ НИГОҲИДАГИ ЯХЛИТ МИНТАҚА

2025 йил 31 март куни Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида имзоланган давлатлараро шартнома нафақат Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ўртасидаги чегара масалаларини ҳал этди, балки бутун Марказий Осиё тараққиёти учун янги саҳифа очди.



Ушбу шартнома уч мамлакат чегараларининг туташ нуқта-си ҳақида бўлиб, у сарҳадларни географик белгилашдан ташқари, тарихий, сиёсий ва инсоний тақдирлар нуқтаи назаридан ҳам бекиёс аҳамиятга эгадир. Бу келишув орқали қарийб бир аср давомида ҳал этилмаётган мураккаб чегара масалаларига нуқта қўйилди, минтақавий барқарорлик ва тараққиёт учун мустаҳкам замин яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йилда давлат раҳбарлигига киришган илк кунлариданоқ ташқи сиёсатда очиклик, яқин қўшничилик ва прагматик ҳамкорлик тамойилларига асосланган янги дипломатия йўналишини белгилади. Унинг “Қўшнинг тинч – сен тинч” деган халқона ақидага суянган сиёсий ёндашуви нафақат сўзда, балки амалий натижаларда ҳам ўз ифодасини топди. 2017-2018 йиллар давомида Ўзбекистон томонининг фаол сазй-ҳаракатлари билан қатор муҳим давлатлараро шартномалар имзоланди.

Жумладан:

■ Ўзбекистон-Қирғизистон давлат чегараси бўйича шартнома;

■ Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистон ўртасидаги чегара туташ нуқтаси ҳақидаги келишув;

■ Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги чегара участкалари бўйича шартномалар.

Бу ҳужжатлар нафақат давлатлар ўртасидаги ишонч-ни мустаҳкамлади, балки юзлаб чекка ҳудудлардаги миллионлаб фуқаролар ҳаётига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Чегараларда яшовчи аҳоли ўртасида эркин ҳаракат, савдо-сотик, оилавий ва гуманитар алоқалар қайта тикланди, ўзаро ишонч мустаҳкамланди.

Фарғона водийси – Марказий Осиёнинг энг зич, энг мураккаб геосиёсий ва демографик ҳудудларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ўзбек, қирғиз ва тожик халқлари асрлар давомида ёнма-ён яшаб келган. Бироқ, мустақилликдан кейин чегараларнинг аниқ белги-ланмагани сабабли турли келишмовчиликлар, ҳатто қуролли тўқнашувлар ҳам содир бўлган. Хўжандда имзоланган уч томонлама шартнома ана шундай можаролар келиб чиқиши эҳтимолини бартараф этади. Эндиликда ҳар бир давлатнинг чегараси аниқ ва ҳуқуқий жиҳатдан расман белгилаб қўйилди. Бу янгилик нафақат сиёсий элита, балки оддий халқ орасида ҳам катта мамнуният билан қарши олинди.

Чегара муаммоларининг ҳал этилиши, шубҳасиз, минтақадаги иқтисодий интеграция жараёнларини янги босқичга кўтаради. Энди мамлакатлар ўртасида транзит йўллари кенгайди, эркин савдо ҳудудлари ташкил этилади, қўшма саноат корхоналари ва аграр лойиҳалар фаолияти жадаллашади. Сув ресурсларидан оқилона ва

адолатли фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича ҳам кенг имкониятлар яратилади. Шунингдек, маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар, талабалар алмашинуви, туризм ва таълим ҳамкорлигидаги тўсиқлар йўқ қилинади.

Бугун халқаро ҳамжамият Президент Шавкат Мирзиёевни тинчликпарвар ва минтақада барқарорликни таъминлашга интилувчи етакчи сифатида эътироф этмоқда. Унинг БМТ минбаридан сўзлаган нутқлари, Марказий Осиё давлат раҳбарлари саммитларини ташкил этиши, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга қаратилган ташаббуслари халқаро экспертлар ва етакчи давлатлар томонидан юксак баҳоланмоқда. Хўжандда имзоланган шартнома эса ана шу изчил ва мувозанатли ташқи сиёсатнинг амалий самарасидир.

Узоқ йиллар давомида халқаро кузатувчилар Марказий Осиёни бешта алоҳида давлат сифатида кўриб келган. Аммо сўнгги йилларда минтақада умумий манфаатлар, биргаликдаги чегара масалаларини ҳал этиш, сув, энергетика ва экология соҳаларидаги ҳамкорлик туфайли Марказий Осиё ягона сиёсий-иқтисодий макон сифатида шакллана бошлади. Бу ўзгариш халқаро майдонда ҳам акс этмоқда: Европа Иттифоқи, Хитой, Россия, Туркия ва бошқа етакчи давлатлар минтақага бўлган ёндашувларини тубдан қайта кўриб чиқмоқдалар.

Хусусан, БМТ, ЕХХТ, ШХТ каби халқаро ташкилотлар ўз дастурларига Марказий Осиёдаги чегара хавфсизлиги, ҳамкорлик ва минтақавий барқарорлик масалаларига алоҳида ўрин бермоқда. Европа ва Осиё мамлакатлари транспорт, энергетика, инфратузилма лойиҳаларига катта сармоя йўналтирмоқда. Афғонистон бўйича ҳам Марказий Осиё давлатлари ўртасида ягона, мутаносиб сиёсий позиция шаклланиб бормоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Хўжанд келишуви – бу фақатгина уч давлат ўртасидаги келишув эмас. У – бутун минтақа учун янги даврнинг, ўзаро ишонч, барқарорлик ва тараққиёт босқичининг бошланишидир. Бу тарихий воқеа шунини кўрсатадики, ҳатто энг мураккаб ва узоқ йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолар ҳам очик мулоқот, ўзаро ҳурмат ва етакчи дипломатия орқали ҳал этилиши мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг сўнгги саккиз йилдаги ташқи сиёсий фаолияти – Ўзбекистон дипломатиясининг ҳақиқий ютуғи, тинчликни олий қадрият сифатида кўриш ва халқ манфаатларини доим биринчи ўринга қўйишга қаратилган сиёсат намунаси.

Мавлон БОБОХОНОВ,
Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши депутати,
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети профессори

"МАРКАЗИЙ ОСИЁ - ЕВРОПА ИТТИФОҚИ"
БИРИНЧИ САММИТИ



«ЭНГ ЯХШИЛАРИ ҲАЛИ ОЛДИНДА»

Агар Европа Иттифоқи 6 та сиёсий институт томонидан бошқариладиган бўлса, уларнинг энг асосийси – Европа кенгаши ва Европа Комиссияси олий делегацияси саммитда иштирок этди. Еврокенгаш бу минтақанинг сиёсий ва стратегик йўналишларини белгилайдиган, Европа раҳбарларидан ташкил топган институт, Еврокомиссия эса ижро ҳокимияти, у янги қонунларни тақлиф этади, умумий манфаатларни ҳимоя қилади.

Шундай муҳим анжуманда катнашганимдан жуда фахрландим. Еврокенгаш президенти Антониу Кошта, Европа тикланиш ва тараккиёт банки президенти Одиль Рено Бассо хонимдан интервью олганимдан, Еврокомиссар Урсула фон дер Ляйен брифингиде иштирок этганимдан хурсанд бўлдим.

Бу биз учун ҳам катта тажриба бўлди. Тадбир давомида “нима учун Европа Иттифоқи Марказий Осиёга катта қизиқиш билдираяпти?” деган саволга турли таҳлиллар ва манбалардан жавоб излаб қўрдим.

Европа Иттифоқи илк бор 2007 йилда Марказий Осиё мамлакатлари учун махсус стратегия ишлаб чиққан. Бироқ бу ўшанда у қадар ҳам қўтилган натижани бермади. Бунга бир неча сабаблар бор эди.

Биринчи сабаб – умумий ёндашув. 2007 йилги Стратегия минтақа давлатларнинг ўзаро фарқларини инобатга олмади. Тасаввур қилинг, Қозоғистон ва Туркменистон ёки ўша вақтдаги Ўзбекистоннинг иктисодий моделлари, ташқи сиёсат йўналишлари тубдан фарқ қиларди. ЕИ бу давлатларни бир хил ёндашувда қўришга уринди.

Иккинчидан, приоритетлар бошқа эди. Масалан, ЕИ учун инсон ҳуқуқлари ва демократия каби масалалар устувор бўлса, минтақа давлатлари учун хавфсизлик ва иктисодий барқарорлик муҳимроқ эди. Шунинг учун ҳам йирик инвестиция лойиҳаларида яқдилликка эришиш қийин бўларди.

Учинчи сабаб, ЕИдан тақлиф кам эди. Қозоғистон, Ўзбекистон ва бошқа давлатлар учун Россия, Хитой ва ҳатто АКШ кўпроқ инвестиция, инфратузилма ва хавфсизлик лойиҳаларини тақлиф қилган.

Бундан ташқари, ЕИ давлатлари ўртасида Марказий Осиёга нисбатан ягона ва қатъий сиёсий ёндашув йўқ эди, дейлик Ғарбий Европа-

нинг айрим давлатлари, Германия, Франция қабиладарда қизиқиш бор, бошқаларда эса минтақа стратегик устувор бўлмаган. Яна энг асосийси, Марказий Осиёда 2016 йилгача минтақавий бирлик руҳи сезилмасди, алоҳида мамлакатларнинг ўзаро чегара, сув, сиёсий рақурс билан боғлиқ муаммолари жуда аниқ кўзга ташланарди. ЕИ учун алоҳида давлатнинг ўзи билан мулоқот ўрнатиш, қулогига ниманидир пичирлаб кетиш кўпам самара бермасди.

2016 йилдан бошлаб минтақа ўзаро бирлаша борди, конструктив мулоқот бошланди, борди-келди кучайди, йиллаб туғишганини қўролмаганлар чегарадан эркин ўта бошлади. Бунда Ўзбекистон Президентининг таъсири, сиёсий иродаси катта бўлганини барча эътироф этади ва, албатта, Марказий Осиё давлатларининг етакчилари ҳам бу ташаббусларни қўллагани тарихий вазиятни ўзгартирди.

2019 йилда Европа Иттифоқи Марказий Осиё бўйича янги Стратегияни қабул қилди. 2023 йилда эса ЕИ ва Марказий Осиё ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш бўйича қўшма йўл харитаси келишиб олинди. У сиёсий мулоқот, савдо ва инвестициялар, ўзаро боғлиқлик, энергия, иқлим ҳамда инсонлар ўртасидаги алоқаларни ўз ичига олди.

Европа Иттифоқи биздан нима кутипти, бизга улар нима бера олади?

Евроиттифок дунё сиёсий қутбларидан бири, у Европа ва Осиёни боғлайдиган Марказий Осиё минтақасида Россия ва Хитойнинг таъсирини мувозанатлаштириш мақсадида 5 та давлат билан алоқаларни мустаҳкамлашга интилкида. ЕИ айрим йирик сиёсий ўйинчилардан фарқли равишда бизнинг ўзаро бирликдан манфаатдор. Буни саммитта таширф буюрган европаликлар кўп бор таъкидлашди. Улар учун ягона дўстлик тилида гаплашаётган минтақа билан йирик лойиҳалар амалга ошириш имконияти кўпаяди.

Марказий Осиё табиий газ, нефтьга бой, Европа Иттифоқи учун муқобил энергия манбалари жуда аҳамиятли. Бундан ташқари, Марказий Осиё дунёдаги марганец захираларининг 40 фоизига, шунингдек, литий ва графитнинг катта захираларига эга. Тўғриси, табиий ресурслар ҳақида гап кетганда на-

2025 йилнинг 3-4 апрель кунлари Самарқандда ўтказилган “Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи”нинг биринчи саммитида юзлаб журналист ҳамкасбларимиз қаторида мен ҳам иштирок этдим. Кузатувларим ва таассуротларим билан бўлишмоқчиман.

Бу, шубҳасиз, тарихий саммит. Чунки Ўзбекистонга, умуман Марказий Осиёга Брюсселдан бундай катта делегация аввал келмаган. Бу саммит анъанавий 5+1 эмас, бу тушунтириб айтилганда, 5+27 давлат (Европа Иттифоқида шунча давлат аъзо) дегани.



факат сиёсатчилар, балки оддий одамлар ҳам жиддий тортади. Европа Иттифоқи бошқа нарсани тақлиф этаётганини Еврокомиссия раҳбари Урсула фон дер Ляйен саммитда алоҳида таъкидлади:

«Бу ресурслар барчада қизиқиш уйғотади, аксарият қизиқувчилар фақат қазиб олиш ва экспорт қилишдан манфаатдор. Европанинг тақлифи бошқача. Биз маҳаллий қайта ишлаш саноатини ривожлантиришда сизнинг ҳамкорингиз бўлишни истаймиз. Қўшилган қиймат ўз ўрнида қолиши керак», — деди у. Дарвоқе, 7 фарзанднинг онаси, “Европа онаси” деган таъриф бериладиган ва дунё сиёсатида катта мавқега эришган Европа комиссияси президенти Урсула фон Дер Ляйен хоним биз, журналистларда самимий, камтар қиёфада тасаввур қолдирди. Унинг босиб ўтган йўли оила ва карьера ўртасида аёл доим танлов қилиш керак, деган қарашларни синдиради. У олий маълумотига қўра, иктисодчи ва шифокор. Сиёсатда суяги қотган. Германия собиқ канцлери Ангела Меркель билан елкама елка ишлаган. 6 йил Германия муҳофаа вазири бўлган. У яна Евроиттифокнинг 2017-2027 йиллар учун Global Gateway инвестиция дастури (300 млрд евролик) ташаббускори ҳам. Дикқатли, самимий аёллиги сезилди, Самарқанд Конгресс холл боғига эман дарахтини экаётганида “Антонио (Еврокенгаш президенти)га қарата), кейинги келганимизда дарахтдан хабар оламиз” деди.

Еврокомиссар “Глобал дарвоза” дастури орқали Марказий Осиёда 4 та соҳа бўйича лойиҳаларга 12 миллиард евро ажратилишини маълум қилди. Транспорт – 3 млрд евро, муҳим минераллар – 2.5 млрд евро, гидроэнергетика ва иқлим – 6.4 млрд евро, сунъий йўлдош интернет – 100 млн евро.

Яна ЕИ учун минтақа Европа ва Осиё ўртасидаги савдо йўлакларининг марказида жойлашган, ўзаро яхши алоқалар иккала минтақага

ҳам транспорт ва логистика имкониятларини оширади. Европа Иттифоқи Транскаспий транспорт йўлагини ривожлантириш учун 10 млрд евро берадиган бўлди, бу Европа ва Марказий Осиё ўртасидаги куруқликдаги йўналишни икки баробарга, 15 кунгача қисқартиради.

Ўйлашимча, Евроиттифок Марказий Осиёда сармоя ётқизаётган барча лойиҳалар минтақавий характерга эга, масалан Қирғизистонда Қамбарота ГЭСи ёки Тожикистонда Рогун ГЭСида биз ҳам иштирок этиямиз ва минтақадаги энергетик барқарорлик ҳаммамизга керак. Масалан, барчага керак бўлган Транскаспий транспорт йўлаги учун Инвестиция форуми ва Евроиттифок ва Марказий Осиё иктисодий форуми бу йил Ўзбекистонда бўлиб ўтади, демек, Урсула хоним айтганидек: “энг яхшилари ҳали олдинда.”

Саммит давомида одамларнинг ижтимоий тармоқлардаги муносабатларини кузатдим, геосиёсий манзарада кўп қутбли, иктисодий дипломатияга асосланган ташқи сиёсат энг тўғри йўллигини жамоатчилик ҳам кўп айтаяпти. Ўша куни бир сурат тарқалди: Ўзбекистон, Еврокенгаш, Еврокомиссия президентлари бир лаган ош атрофида ўтирган манзара. Аслида сурат қайсидир азамат томонидан сунъий интеллектда яратилган, лекин кўпчилик уни ҳақиқий, деб ҳам ўйлади, ошсиз бирор тадбир ўтмаслиги аниқда чунки. Одамларимиз «ош дипломатияси» деган янги атама ҳам ўйлаб топишди.

Кўпнинг фойдасини ўйлаб қилинган иш бесамар кетмайдди. Фақат уни кимдир бўйнига олиб бошлаш керак. 2 кун Самарқандда юриб, 7 йил олдин Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиё интеграциясини амалга оширишда зиммасига масъулият олгани ва унинг ҳосили бера бошлаганини ҳис қилдим.

Азиза ҚУРБОНОВА,
журналист



Маълумки, 2025 йилнинг 28 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин қўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни авф этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармон халқимизга хос бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олийжаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида намоён бўлди. Хужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин қўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 488 нафар шахсларнинг авф этилганлиги, ушбу юртдошларимиз ва уларнинг барча оила аъзоларига чинакам байрамо-на хурсандчилик қайфиятларини улашганлиги қолаверса, халқимиз олдидаги улкан масъулият ҳамда миннаддорлик ҳисларини яна бир қарра оширганлиги аини ҳақиқатдир.

Чунки, авф этилган шахсларнинг 100 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 268 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 34 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 86 нафар шахсларга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Авф этилганларнинг 17 нафарини чет эл фуқаролари, 37 нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, 167 нафарини ёшлар (шулардан, 1 нафари вояга етмаган) ҳамда 5 нафарини таъқиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Шунингдек, авф этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳимояга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга қўмақ бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилганлиги ҳам авф

Авф этилганларнинг 17 нафарини чет эл фуқаролари, 37 нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, 167 нафарини ёшлар (шулардан, 1 нафари вояга етмаган) ҳамда 5 нафарини таъқиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

этилганларнинг қўнглини тоғдек қўтариб, уларнинг ўзига ва эртанги кунига бўлган ишончларининг янада ортишига хизмат қилади.

Шундай экан, жиноят содир этиб озодликдан маҳрум этилган бошқа шахслар ва уларнинг яқинлари ҳам, келгусида авф этилишларини сўраб қилинган мурожаатлари масаласидаги тегишли ишларнинг қандай ва қайси тартибда юритилиши тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши фойдадан холи эмаслиги нуктаи назаридан, ушбу масалага ҳам бироз тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

Қайд этиш лозимки, агар маҳкум жазонинг учдан икки қисми-

АВФ ЭТИШ – БУ, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ

ни ўтаган бўлса, чин қўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтган ҳолдагина, унинг Президентга мурожаат қилиш ҳуқуқи пайдо бўлади. Президентимиз томонидан тасдиқланган Низомда бу қоида қиритилган бўлиб, маҳкум жазо муддатининг учдан икки қисmini ўтаб бўлгандан кейин маъмурият орқали комиссияга ариза билан мурожаат қилади. Ариза комиссияга келиб тушгандан сўнггина, тегишли ўрганиш ишлари бошланади. Яъни, тавсифнома олинади, ким уни ка-

соҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида жиноятчиликни қамайтириш, билиб-билмай қалтис ишларга қўл урганларни авф этиш, уларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга зарур қўмақ бериш борасидаги ишлар халқпарварлик принципларига асосланган ҳолда, қонунийлик ва адолат уйғунлигида олиб борилиши йўлга қўйилмоқда.

Бу борада белгиланаётган муҳим чора-тадбирлар натижасида фуқароларимиз, яъни маҳкумларнинг яқин-қариндошлари томонидан давлатимиздан розилик ҳисларининг кучайишига сабаб бўлмоқда.

Зеро, илгари амнистия қўллашда жабрланган тараф ва жамоатчилик фикри инобатга олинмаган. Табиийки, бу ҳолат ўз вақтида фуқароларимиз эътирозларига сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам, минг афсуски, баъзан амнистия бўйича озод қилинган шахслар томонидан қайта жиноят содир этиш ҳолатлари нисбатан кўпроқ учраган.

Умид қиламизки, бугунги ислохотларимиз жиноятчилик бора-сида қайд этилаётган рақамларнинг кун сайин қамайиб боришига хизмат қилади.

Зулайхо АКРАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси

МУВАФФАҚИЯТЛАР МАНБАИ

ўқитувчилар алмашинуви бўйича қатор лойиҳаларда иштирок этмоқда. Талабалар қисқа муддатли ва узок муддатли ўқув дастурларида қатнашиб, халқаро тажриба орттирмоқда. Қўшма таълим дастурлари: Бир неча халқаро университетлар билан қўшма бакалаврият ва магистратура дастурлари йўлга қўйилди. Жумладан, Европанинг етакчи университетлари билан сув ресурслари бошқаруви, экологик менежмент ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида ўқитиш дастурлари ташкил этилган.

Талабалар ва ёш олимлар учун имкониятлар. “ТИҚХММИ” миллий тадқиқот университети талабалари Европа, АҚШ ва Осиё мамлакатларида ўқув алмашинувида қатнашиб, халқаро тажриба орттирмоқда. Халқаро танлов ва олимпиадалар: Университет талабалари халқаро миқёсдаги танлов ва олимпиадаларда юқори ўринларни қўлга киритди. Старттап ва тадбиркорлик лойиҳалари: Халқаро ҳамкорлар қўмағида ёш олим ва талабалар учун старттап инкубация марказлари ташкил этилди.

Халқаро рейтинг ва аккредитациялар. QS ва THE рейтинглари: Университет халқаро рейтинг тизимларига кириш ва уларда юқори ўринларни эгаллаш бўйича муваффақиятли қадмалар ташлади.

Бугунги кунда университетда халқаро ҳамкорлик фаолиятида, жумладан сифатли таълим, илгор илмий тадқиқот, салоҳиятни ривожлантириш лойиҳаларига устиворлик берилган. “ТИҚХММИ” миллий тадқиқот университетида олий таълимдаги анъанаий ёндашувлар билан бир қаторда қишлоқ ва сув хўжалиги олий таълими ва илм-фани соҳасида халқаро интеграция ва дастурлар интернационализациясига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Университетда АҚШ, Германия, Нидерландия, Хитой, Россия, Швеция, Швецария, Туркия, Япония, Жанубий Корея каби ривожланган мамлакатлардаги илгор олий таълим муассасалари билан ҳамкорликдаги икки томонлама диплом қўшма дастурлари, академик мобиллик ва талабалар алмашинуви дастурлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Университетда Ўзбекистонда биринчи бўлиб Германиянинг Гиссен университети ва IAMO илмий тадқиқот маркази билан ҳамкорликда қўшма халқаро докторантура мактаби фаолияти йўлга қўйилди. Швециянинг Қироллик университети билан ҳамкорликда ташкил этилган “Геоинформатика” маркази, ЮНЕСКОнинг “Сув дипломатияси, сув ресурсларини бошқариш ва атроф муҳит муҳофазаси” кафедраси, Марказий Осиё минтакавий экологик маркази билан ташкил этилган “Инновация ва илмий тадқиқотлар кластери” фаолият кўрсатмоқда.

Университетда 40 дан ортиқ замонавий илмий лаборатория фаолият кўрсатмоқда. Ушбу лабораториялар тадқиқотчилар, докторантлар ва ёш олимлар учун юқори даражадаги илмий лойиҳаларни амалга ошириш

имконини тақдим этади. Бу лабораториялар нафақат илм-фаннинг ривожланишига ҳисса қўшади, балки ўз натижалари билан амалий муаммоларни ҳал қилишга ва жамиятнинг турли соҳаларида инноватсион ёндашувларни жорий қилишга хизмат қилади. Лабораторияларнинг фаолияти маҳаллий ва халқаро грант лойиҳалари, шунингдек, давлат ва хўжалик шартномалари асосида ташкил этилган бўлиб, уларнинг илмий салоҳияти йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Университетнинг илмий салоҳиятини ошириш бўйича муҳим қадамлар ташланди. Ҳозирги кунда жами 475 нафар профессор-ўқитувчилар илмий изланишларда қатнашиб, уларнинг 80 нафари фан доктори, 250 нафари эса PhD ёки фан номзоди илмий даражасига эга. Илмий салоҳият асосий штарда 69,9 фоизни ташкил қилди. Бу натижалар университетнинг илмий фаолиятида юқори даражадаги кадрларнинг иштирокини таъминлаганини кўрсатади. Грант лойиҳалари доирасида амалга оширилган ишланмалар орасида «аккли» сугориш тизимлари, шамол электр генератори, қишлоқ хўжалиги техникаларини автоматлаштириш ва экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган технологиялар алоҳида эътиборга лойик.

Ҳар йили университетда 20-25 та халқаро анжуман ва юзлаб семинар-тренинглар ўтказилиб, дунё миқёсидаги тадқиқот марказлари ва университетлар билан алоқалар мустақамланмоқда. Шунингдек, ҳар йили ўнлаб докторантлар хорижда стажировка ўтайди. Университет халқаро лойиҳалар доирасида илмий тадқиқотлар ўтказиб, уларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш ва глобал илмий ҳамжамиятга тақдим этишни мақсад қилган.

Юқорида эътироф этилган жиҳатлар билан бирга университет ректори ва мутасадди раҳбарларнинг талабалар ва ота-оналар билан самарали, мунтазам алоқалари, шахсий ва академик масалаларда маслаҳатлаштиришлар ҳам муваффақиятлар қафолати ва манбаидир десак ўринли бўлади. Ушбу олий таълим муассасаси ютуқларининг яна бир муҳим томони маърифатпарвар, тажрибали, меҳридарё инсон, олиҳиммат раҳбарларнинг номлари билан боғлиқ. Улар қаторида академиклар О. Салимов, С. Пўлатов, С. Искандаров ва профессорлар Ў. Умурызқов, Б. Мирзасев ва бошқаларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, “ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университетининг муваффақияти – бу тарихий анъаналар, давлат ва ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши, замонавий технологиялар, кадрлар сифати ва тадқиқотларнинг амалий аҳамияти, таълим сифати ва натижадорлигига маъсуллик билан изоҳланади.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
“ТИҚХММИ” МТУ профессори,
Ўзбекистон Ёзувчилар ва
Журналистлар уюмлари аъзоси

Шарқ бозорлари ўзига хос миллий анъаналарга эга. У китобларда ёзилмаган қонунлар, қўйингки, қонунлардан устунроқ удумларга амал қилади. Ўтган даврда бозорлар халқимиз турмушига хос анъаналарнинг, бозор маданиятининг шаклланишида ўзига хос бешик вазифасини ўтади.

Бозор ҳамиша олиб чиқилган маҳсулот, унинг сифати, миқдори, эҳтиёж даражаси билан нафас олади. Самарқанд шаҳридаги “Темирйўл дехқон бозори” темирйўл вокзали ёнида жойлашган. Шаҳарга келаётган сайёҳлару, меҳмонларнинг нигоҳи аввало шу масканга тушади. Ушбу бозор узок йиллардан буён халқимизга хизмат қилиб келаяпти.

Бозор ҳудудида илгариги пасткам, кўримсиз савдо ўринлари, олдий расталар ўрнида бугунги кун талабларига жавоб берадиган кўркам дўконлар, савдо жойлари барпо этилди. Озиқ-овқат, гўшт, сут, балик маҳсулотлари савдоси, санитария-гигиена ҳолатлари тубдан қайта қўрилди. Махсус бинолар ишга туширилди. Бозорнинг умумий тозаллигини мунтазам таъминлаш имконияти яратилди.

– Бугунги Темирйўл бозорининг ўзгача жиҳатларидан яна бири, бу ерда савдо маданиятининг юксала бораётганида, ҳалоллик, тўғрилиқ, хушмуомалаликнинг сезиларли даражада кўтарилаётганидир, – дейди “Темирйўл дехқон бозори” МЧЖ директори Ғайрат Ақобиров. – Мамлакатимизга ташриф буюраётган чет эллик меҳмонлар сони тобора қўпаймоқда. Бундай ўзгаришлар, табиийки, бозорларимиздаги савдо-сотик муносабатларини яхши томонга ўзгартирмоқда. Биз жамоамиз аъзолари билан тартиб-интизом, ҳалоллик, тўғрилиқ, халқимизга хос ибод, бағрикенглик, меҳмондўстликлар тўғрисида ҳар кунги гаплашиб оламиз. “Сўз боши – асалом, иш боши – интизом” деганларидек, “Темирйўл дехқон бозори” халқимиз, юртимиз кадриятларимизнинг акс эттирадиган ўзига хос кўзгу эканлигини ҳар кунги эслаб турибмиз.

Дарҳақиқат, бозор чиндан ҳам юртининг миллий қиёфаси, ички дунёси, орзу мақсадларини акс эттирувчи ойнадир. Шундай экан, биз бозорларимизнинг маданияти юксалиши учун курашишимиз зарур. У ерда алдоқчиларнинг, қиморбозларнинг, қиссавурларнинг, сифатсиз, русхатсиз маҳсулот сотишга уринувчиларнинг бўлмаслиги учун жонбозлик кўрсатишимиз шарт. Токи, меҳмон бўлиб кетганлар тасаввурда ёмон хотиралар қолмасин. Яхшидир, ёмондир – хотиралар йиғила-йиғила, тавсифга келиши ҳеч гап эмас.

– Камина турли давлатларнинг айрим шаҳарлари, қишлоқлари бозорларини кўрганман, – дейди Самарқандлик тадбиркор Илҳом Зайниев. – У ерларда бундай қилишмайди. Махсулот нархини ҳам ошириб айтилмайди, асаббозлик билан савдолаштирмайди. Сиз эса ҳеч нарсдан хижолат чекмайсиз.

Наҳотки, бозорчи ёшларимизга ўз эътиборларини сақлаб, одоб билан савдо қилиш лозимлигини ўргатиш



БОЗОРНИНГ «ОЗОРИ» БЎЛМАСИ

шу қадар мушкул бўлса (ишқилиб, одамни ноқулай аҳволга солиб қўядиган бачкана ҳаракатлар бу бозорга ҳам етиб келмасинда!).

“Темирйўл дехқон бозори” ҳудуди бир гектардан ошиқ, 547 та савдо расталари тартиб билан жойлашган, шовкин-суронли эмас. Ҳар бир маҳсулот тур-тури билан павильонларга жойлаштирилган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, вилоятимиздаги қатор бозорлар “Темирйўл дехқон бозори”дан ўргансалар ёмон бўлмасди. Яшириб нима қилдик, юртимизда ҳар кун бозор. Ҳар кун минг-минглаб одамлар машинада, от-аравда, пою пиёда бозорлар томон оғади. Шундай бўлгач, тирикчилигимиз ҳамиша боғланиб турган бозорларимиз обод бўлса, турмушимиз обод бўлади-да! Бирок...

Вилоятимизда шундай бозор, очикроғи, номи бозор-у, ўзи озор бўлган жойлар ҳам учрайди. У ерда муаммолар қалашиб ётибди. Ҳамон ибтидоий шароит, тутумлар ҳукмрон бўлган бозорларни қатор, жумладан, Нуробод, Иштихон, Булунгур, Пастдарғом, Пайариқ каби туманларда учратиш мумкин. У ерларда на атроф ўралган, на савдо-сотик учун бирор шароит яратилган! Бозорчилар олиб чиққан нарсаларини очик майдонда, ёзда чанг-тупроқ, қишда қор-ёғирида ерга ёйиб қўйиб, савдо қилаверишади. Бозор маъмурияти фақат бул йиғими билан овора. Ҳеч бўлмаганда, олдий қулайликлар яратиш ҳақида, замонлар ўтаяпти ҳамки, ҳеч қимса ўйламайди. Мол бозорларини-ку, қўяверасиз. Шу йил қишда Иштихон, Пайариқ мол бозорларига бориб, қиролмай қайтгандик. Тизза бўйи балчиқ, махсус кийим-бош зарур бўлди. Одамларнинг бир-бирларига муомаласи ҳам шунга яраша. Кимдир бақирган, кимдир сўкинган... Ветеринария тахлилхоналари номигагина ишлайди. Бозорлар маъмуриятлари маънавий-маърифий ишларни батамом унутиб

қўйишган. Бозорга олиб чиқилган мол-маҳсулот тўғрисида тегишли маълумотлар, сотувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳеч қимни қизиктирмайди. Энди айтингчи, шу аҳволдаги тўпхоналар қорчалонлардан бозор маданияти тўғрисида гап сўраш мумкинми?

— Бозорнинг озори, халққа ноқулайлик тугдираётгани ҳақида

казо озиқ-овқатларнинг санитария қоидаларига зид сотилаётганини кўчиш мумкин. Ҳафтанинг ҳар шанбасида бўлиб ўтадиган Ғўс дехқон бозорида қулай, барча шарт-шароитлар ўз жойидагидек кўринади. Лекин, бозор ҳудудининг торлиги барчага ноқулайлик тугдирмоқда. Улар бозор ҳудудини кенгайтириш, бошқа қулай жойга кўчириш ҳақида мутасадди идораларга қўп бора мурожаат этишган. Лекин масала ижобий ечимлаяпти. Айтиш мумкинки, Ғўс бозори гўшт маҳсулотларни арзон сотиладиган бозорлардан бири. Сабабини қўп сўраганмиз, шу эл одамлари қассобларни доимо инсофга чақириб туришар экан.

Ғўсада бозор қунари йўллар ниҳоятда тирбанд бўлиб кетади. Автомашиналар сафи соатлаб ўрнидан жойолмайди. Шифохонага шошилаётган тез ёрдам машинаси хизматида кечикиш, улгура олмаслик ҳоллари учрамоқда. Ахир, бозорларнинг айримларини шаҳар ёнига, кенг майдонга кўчириш режалаштирилган, лойиҳалар тузилган, қурилишлар ҳам бошлаб юборилган-ку. Қўшработ туманидаги “Оқтепасой дехқон бозори” ҳафтанинг шанба кунлари бўлади. Ҳозир бу ердан ўтсангиз “бомба” тушгандай манзарага гувоҳ бўласиз. Сабаби ён атрофи қавлаб ташланган, сотувчилар бир ҳол аҳволда савдо қилишмоқда. Биз бозор иш юритувчиси Шокирхон Нейматов билан суҳбатлашдик. У кишининг айтишича – бозор қурилиши учун бир миллиард уч юз олтимиз беш миллион сўмлик лойиҳа сметаси тасдиқланган. Аммо, ишлар бошланмаган. Шокирхон ака суҳбатимиз чоғида бозорнинг собиқ раҳбари Шухрат Қўчқоров томонидан бозор ҳудудидаги 46 сотих ер майдони эгаллаб олинганидан норози эканлигини билдирди. Туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими тақдим этган маълумотга кўра, туман ҳокимининг 2018 йил 14-июндаги 1515-Қ сонли қарори билан фуқаро Муҳаббат Каримовага қуруқ мевалар сотадиган раста, айвонларни фойдаланишга қабул қилиш ҳақида эғалик ҳукуки берилган. Лекин, тадбиркор ҳозиргача бирор бир фаолият турини шакллантиргани йўқ, фаолият ҳам юритмаяпти, бу бозор ҳудудидаги ер, дейди Шокирхон ака. Бу масалада мутасадди идоралар бирор тўхтамга келишар.

Ҳозирда бозорларимизни ривожлантириш, уларда халқаро талабларга жавоб берадиган маданиятни қарор топтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Гап барча бозорлар жамоалари, вилоят бозорлари уюшмаси, маҳаллий ҳокимиятнинг ҳукумат қарорлари ижросига нечоғли киришишларига боғлиқ. Биз юқорида тилга олиб ўтган айрим бозорлардаги ибратли жиҳатлар, янгиликлар, ободонлаштириш ишлари бу борада намуна вазифасини ўтайди, деб умид қиламиз.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
журналист

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА АМАЛИЁТ



Нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик жамият қурилишида салмоқли ўрин тутadi. Бу жиҳат юргимизда ННТлар фаолиятига оид ислохотларда ҳам намоён бўлмоқда.

Масалан, ННТларни давлат рўйхатидан ўтказиш божлари ўртача икки баробар пасайтирилди, маблағ олиш бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш муддати 40 кундан 15 кунгача қисқартирилди, уларга махсус ҳисоб рақам очиш талаби бекор қилинди ва ортиқча бюрократияга чек қўйиш мақсадида барча давлат хизматлари “e-ngo.uz” портали орқали электрон тарзда кўрсатилиши йўлга қўйилди.

Эътиборлиси, бу борада илгари сурилаётган ташаббуслар ва қонун ижодкорлигини таъминлашнинг тизимли характер касб этиши ҳамда вакиллик органлари аъзоларининг фаоллиги соҳани янада такомиллаштириш орқали, қучли фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашни давом этишга замин яратмоқда.

Шу ўринда, Қонунчилик палатаси мажлисида “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси депутатлари ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг биринчи ўқишдаёқ муҳокама қилиниб, қабул қилинганини ушбу ислохотларнинг ёрқин намунаси дейиш мумкин.

Қонун лойиҳаси жорий йилнинг 21 март кунига қадар жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этилган бўлиб, унинг қабул қилиниши давлат бошқаруви ва жамият барқарор ривожланишида қатор янги механизмларнинг ҳуқуқий асосини таъминлашга хизмат қилади.

Ахамиятли жиҳати, ушбу қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Давлат божли тўғрисида”ги Қонунларига ҳамда Солиқ кодексига ўзгартириш ва қў-

шимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфатлари ҳимоясини мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга оид ўзгартиришлар киритилмоқда.

Биринчидан, давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралаштиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Энди, давлат органи мансабдори фаолиятида ушбу ҳолат илк марта аниқланганда, БХМнинг етти бараваридан ўн бараваригача, агар бу ҳолат бир йил ичида яна такрорланса ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Адлия вазирлиги маълумотларига кўра, аввал бу каби ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик ўрнатилмагани сабабли, нодавлат нотижорат ташкилотлари мажбурий равишда ҳомийлик ва бошқа ишларга жалб қилиш, тадбирлар ўтказишга қаршилиқ қилиш, уларга тегишли бўлган мол-мулкларни олиб қўйиш, шунингдек, қонунчиликни бузган ҳолда уларга оид ҳужжатларни (маълумотларни) талаб қилиб олиш ва бошқа қўринишлардаги ҳуқуқбузарликлар содир этилган.

Таъкидлаш зарурки, ушбу таҳрир эндиликда давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятига аралашувларини сезиларли қамайтириб, ваколати чегарасида ишлашига, ўз навбатида ННТларнинг фаолиятини ҳимоя қилиб, мустақиллиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, соҳадаги айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар хусусан, ННТлар, уларнинг ваколатхоналари ва филиалларининг давлат

рўйхатидан ўтмасдан фаолиятни амалга ошириши, рўйхатдан ўтказилмаган рамзий белгиларни ишлатиши, тадбирлар ўтказиш ҳақида хабардор қилиш тартибига риоя қилмаганлик учун жарима миқдорлари сезиларли даражада қамайтирилмоқда.

Жумладан, илгари нодавлат нотижорат ташкилотлари (улар ваколатхоналари ва филиалларининг) давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолиятни амалга оширгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача бўлган бўлса, энди унинг ўн баравардан йигирма беш бараваригача миқдорга тушириш белгиланмоқда.

Бугунги кунга қадар мамлакатда 10 мингга яқин нодавлат нотижорат ташкилотлар (йил бошидан 4 та янги) рўйхатдан ўтган бўлиб, уларда 70 минг киши фаолият кўрсатади.

Давлат рўйхатидан ўтиш муайян ташкилий жараёнларни талаб этгани боис, кўп ҳолларда энди ўз фаолиятини бошлаган нодавлат нотижорат ташкилотининг расмий рўйхатдан ўтмасдан туриб тадбир ўтказиши кузатилади. Қонун лойиҳасида кўзда тутилган жарималар миқдорининг қамайиши ушбу нодавлат нотижорат ташкилотларга молиявий юкни енгиллаштириши билан бирга, қонуний фаолият олиб боришида қулайликлар яратди.

Учинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этиш жараёнидаги ҳаттоликлар (ўз вақтида ёки белгиланмаган шаклда тақдим этмаслик, била туриб нотўғри маълумотлар тақдим этиш) учун амалдаги жарима (15-30) БХМнинг ўртача беш баравари миқдориди (10-25) қамайтирилмоқда.

Ушбу ўзгаришлар, яъни нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятидаги айрим объектив ва субъектив сабабларга кўра қилинган ҳаттоликлар учун молиявий жазо чораларининг енгиллаштирилиши ўз навбатида уларнинг иқтисодий им-

кониятлари ва барқарорлигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутди.

Мисол учун, Ўзбекистон Ракка қарши кураш жамияти Тошкент вилояти бўлинимаси раҳбари Алишер Алимов жамият 2023 йилда Адлия органларидан рўйхатдан ўтказилгани ва фаолиятида айрим муаммоларга дуч келганини билдирган. Хусусан, янги ташкил этилгани ва ҳисобчи штат бирлиги бўлмагани учун солиқ ҳисоботлари ўз вақтида топирилмаган ва 2024 йилда 3,4 млн солиқ жаримаси ҳисобланган. А.Алимовга кўра, янги қонун лойиҳасида жарималар миқдорининг қамайтирилиши бу каби муаммолар ечимига ижобий таъсир кўрсатади.

Тўртинчидан, жамоатчилик назорати механизмларини янада қучайтириш ва бу борада давлат органлари масъулияти билан бирга, ҳаракатсизлиги учун жавобгарликни белгилаш чораларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик, жумладан жамоатчилик назоратининг натижаларига кўра яқуний ҳужжатни (баённома, ҳулоса, маълумотнома ва бошқ.) ўз вақтида кўриб чиқмаганлик учун мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдориди жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур ўзгариш мансабдор шахсларнинг ўз функционал вазибалари доирасида жамоатчилик назорати жараёналарига алоҳида эътибор қаратиш ва бу борада нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга, фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга, шаффофлигини оширишга ҳамда мазкур соҳада ҳуқуқни қўллашнинг янги амалиётини йўлга қўйишга хизмат қилади.

Тоҳир АҲМАДАЛИЕВ

Қайси тилда таълим олган афзал?



Одатда ота-оналар ўз фарзандларини рус синфларида таҳсил олишларини исташади. Гарчи Ўзбекистонда, ўзбек оиласида туғилган бўлсам-да, мени ҳам боғчада рус гуруҳига беришган. Шу боис тилим рус тилида “чикқан”. Кейинчалик мактабда ҳам рус синфида ўқий бошладим.



Бешинчи синфга ўтганимда ота-онам хоҳиши билан ўзбек тили синфида ўтказишди. Уч йил ўзбек синфида ўқидим, гапнинг рости, ўзбек синфдошларим билан умуман “қелишиб”, мослашиб кета олмадим. Шундан сўнг ота-онам мени яна рус синфида қайтаришга мажбур бўлишди.

Ҳар иккала синфда ўқиганлигим боис, ўзбек ва рус синфларидаги фарқларни таққослашга қарор қилдим. Бир хил муҳит ва икки тилда таълим олган ўқувчи ўртадаги катта фарқни дарҳол фаҳмлайди. Яъни, бу фарқ фақат тилда эмас, балки дарс ўтиш услуби, баҳолаш мезони, байрамларни нишонлашга ёндашув ва умумий муҳитда ҳам сезилади.

Энг асосий фарқ бу – ўзбек синфларида барча фанлар ўзбек тилида ўтилади, рус синфларида эса, табиийки, рус тилида. Лекин айрим ҳолларда

Яна бир жиҳат, синфдошларим ўқитувчиларимиз билан бемалол, ҳеч бир тортиниш ёки истиҳолаларсиз бемалол мулоқот қилишади. Ўз фикрларини айтишдан тортинишмайди. Ўзбек синфларида эса кўпроқ анъанавий ўзбекчилик муҳити сақланиб қолган: ўқитувчи тушунтиради, ўқувчилар эса эшитади ва ёзиб олади.

Баҳолаш тизими ҳам тубдан фарқ қилади. Ўзбек синфларида яхши ўқийдиган ўқувчиларга баҳо доим кўтариб қўйилади. Рус синфларида эса бундай эмас: ҳар ким экканини ўради – дарсга яхши тайёрланмай келса, энг паст баҳо олади. Бу ерда баҳолар аниқроқ, қатъийроқ ва ҳолис қўйилади.

Ўзбек синфларида ота-оналар кўпинча фарзандлари тарбиясига фақат яхши

баҳо ол, деган тамойил билан ёндашишади. Рус синфларида эса ота-оналар дарс жараёнига кўпроқ қизиқишади, болаларининг мустақил фикрлаши ва тушунган билимларини ҳаётда қўллашга катта эътибор беришади.

Бу ўринда қайси синфда таълим олиш яхши ёки ёмонлигини айтмоқчи эмасман, фақат ўз фикрларим билан ўртоқлашдим, ҳолос. Ҳар қандай ҳолатда ҳам таълим олиш ҳар биримиз учун устун аҳамиятга эга. Муҳими, қайси синфда ўқисак ҳам билим олишимиз ва келажакада энг яхши мутахассис бўлиб, шу Ватан қорига ярайлиган инсон бўлиб қамол топишимиз лозим ва шарт!

Бинафша БҶРОНОВА,
Янгиҳаёт туманидаги
285-умумтаълим мактабининг
8-синф ўқувчиси



Фуқаролар ва тадбиркорлар давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ноқонуний қарорлари, ҳаракатлари (ёки ҳаракатсизлиги) туфайли ҳуқуқлари бузилган тақдирда, судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Маъмурий судлар бундай шикоятларни қонунийлик нуктаи назаридан кўриб чиқади ва адолатни тиклашга хизмат қилади. Ушбу тартиб Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 42-моддасида белгиланган.

Кимга қарши шикоят бериш мумкин?

Давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг қарор ва ҳаракатларига.

Махсус комиссиялар қарорларига (жавобгар сифатида комиссиянинг ишчи органи иштирок этади).

Агар шикоят берилган давлат орга-

ни тугатилган ёки қайта ташкил этилган бўлса, суд унинг ҳуқуқий воясини ёки тегишли ваколатли органни ишга жалб қилади.

Қайси судга мурожаат қилиш керак?

Давлат органи ёки мансабдор шахс жойлашган ҳудуддаги туманлараро маъмурий судга.

Агар бир нечта жавобгар турли ҳудудларда жойлашган бўлса, ариза улардан бирининг жойлашган жойидаги судга берилиши мумкин.

Инвестиция билан боғлиқ шикоятлар:
Кичик инвесторлар – туманлараро

маъмурий суд ёки вилоят ва Тошкент шаҳар маъмурий судларига. Йирик инвесторлар – туманлараро маъмурий суд ёки Олий судга.

Шикоят беришда нималарга эътибор бериш керак?

Асосли далиллар – ҳуқуқ бузилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши лозим.

Муддатларга риоя қилиш – шикоятлар белгиланган муддат ичида топширилиши керак.

Судга мурожаат қилиш – бу ҳуқуқ ва адолатни тиклаш воситаси. Тўғри танланган судлов, ҳужжатлар ва далиллар шикоят натижасини ижобий ҳал этишга ёрдам беради.

Насрулла МАМАНОВ,
Нурафшон туманлараро
маъмурий судининг
судаси

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги нашри

Муассис:

«Жамият ижтимоий-сиёсий газетаси» МЧЖ

Таҳрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Қамолиддин ИШАНХОДЖАЕВ
Даврон ВАҲОБОВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-410
Адади: 1600
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси қелишилган нарҳда.

«Жамият» ижтимоий-сиёсий газетаси
2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 0010-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Маълумот учун телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта: jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

ЭЗГУЛИКНИ ЭЪЗОЗЛАГАН РАХБАР

1992 йилда қишлоғимиздаги 14-умумтаълим мактабида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасида фаолият юритаётган кезларимда Муборак тумани ҳокимлиги муассислигидаги (“Дўстлик байроғи”) ҳозирги «Муборак ҳаёти» газетасининг бош муҳаррири Жўра Йўлбарсов тахририятга ишга таклиф қилди.

Хуллас, тақдир тақозоси билан қишлоғимиздан 40 чақирим узоқликдаги нефть ва газ саноати маркази бўлган Муборак тумани газетасида бош муҳаррир ўринбосари бўлиб иш бошладим. Аввалига “Нотаниш одамлар орасида йўл топа олармиканман?” деган фикр ҳаёлимда айлана бошлади. Лекин, газета оҳанрабодек ўзига чорлайверарди. Муборакда тезда кўникдим. Қизиғи, Муборак тумани ҳокими Жумакул Қурбоновни ижодкор сифатида эшитгандим. Бошқа туман ва шаҳарларга қараганда Муборакда ўзгача адабий муҳит ҳукм суларди: ҳоким журналистдан чиққан, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетини тугатгач «Қашқадарё ҳақиқати» газетасида фаолият юритган. Ҳикоялари адабий нашрларда чиқиб турарди. Матбуотга эътиборли. Газетани ҳурмат қилади, ижодкорларни кадрлайди. Тахририят масъуллари обуна учун ташкилот ва хўжалик раҳбарлари эшигига сарғайишмайди. Бу масалада заррача бош қотиришмайди.

Кунларнинг бирида ҳоким чақиратганини айтишди. Кўриниши салобатли бўлгани билан камтарин, мулоҳазали бўлган Жумакул Қурбонов самимий суҳбатлашди.

— Узоқдан қатнаш қийинчилик туғдираётган бўлса, уй-жой билан таъминлайлик, — деди ҳоким.

— Уй учун навбатда турганлар бўлиши мумкин. Ҳозирча ўшалар уйли бўлсин-чи...

— Майли, ундай бўлса, шароитингиз яхши экан... — қулимсиради ҳоким.

Соддалигим боис бу имтиёзни рад этдим. Ваҳоланки, менга шаҳарда уй зарур эди. Олис қишлоғимда уй-жойга эғалигим учун бир инсонга бир маскан бўлса бўлди-да, деб юрганман. Мана, туман раҳбарининг оддий ижодкорга эътибори. Қаламкашни кадрлаши.

Жумакул Қурбонов туманнинг биринчи раҳбари сифатида ҳар бир

соҳада муваффақиятга эришиш йўлларини излар, янги ғоя ва фикрларини ташкилот ва хўжалик раҳбарларига етказарди. Демак, бу борада ҳам қалбдаги янгиликка интилиш, ижодкорлик ғалаён қилган бўлса, не ажаб?! Қўл остидаги раҳбарларни, масъулларни ҳақорат қилмасдан, мулоҳаза билан иш юритиш, оддий одамларни ҳурмат қилиш, ҳузурига таширф буюрган турли ёшдаги, турли касбдаги одамларнинг арзини тинглаш, муаммоларини ҳал этиш

ганини муборакликлар хануз бир энтиқиш билан эслашади.

Қўл қўйнидаги шаҳарда Амфитеатр бунёд этилди. Таниқли театр ва кино санъати намояндалари билан учрашувлар, эл суйган машҳур ҳофизлар, хонандаларнинг мусиқий дастурлари томошабинларга завқ улашди.

Юксак маънавийли кишилар билан ҳамфикр бўлиш ҳам ишда ижобий таъсир кўрсатади, албатта. Жумакул Қурбоновнинг фикрдош сафдошларидан бири, Муборак газни қайта ишлаш заводи директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати (кейинчалик Қашқадарё вилояти ҳокими бўлиб ишлаган) Нуриддин Зайниев эди. Бамаслаҳат ғоялар амалга ошди.

Соддалигим боис бу имтиёзни рад этдим. Ваҳоланки, менга шаҳарда уй зарур эди. Олис қишлоғимда уй-жойга эғалигим учун бир инсонга бир маскан бўлса бўлди-да, деб юрганман. Мана, туман раҳбарининг оддий ижодкорга эътибори. Қаламкашни кадрлаши.

чораларини кўриш, бир сўз билан айтганда, инсон қалбига йўл топиш ва бағрикенглик Жумакул Қурбоновга хос хислат эканлигини бирга ишлаган кишилар яхши билишади.

Айтганча, Муборакда адабий муҳит борлигига ишора қилгандим. Жумакул Қурбонов ҳокимлик қилган даврда туман газетасидан ташқари, шаҳар телевидениеси ишга туширилди. Моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Таниқли журналист, шоир, адиб ва таржимон Очил Тоҳир телевидение раҳбари сифатида ижодий жамоани шакллантирди. Ойнаи жаҳонда шаҳар ва туман ҳаёти акс этди. Таҳлилий-танқидий кўрсатувлар шов-шувларга сабаб бўлди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос Озод Шарафутдинов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ва бошқа бир қанча ижодкорлар маданий-маърифий тадбирларда аҳоли билан юзма-юз мулоқотда бўлиш-

Спортга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Муборакда ташкил этилган “Машъал” футбол жамоаси қисқа фурсатда мамлакат спорт ишқибозларига танилди. Республика Олий лигаси чемпиони бўлди.

Яна бир гап. Жумакул Қурбонов фақат ўзининг асарларини китоб ҳолида чоп этгирса бўларди. Қараса, ён-веридаги истеъдодли қаламкашларнинг орзулари тўплам нашр қилдириш. Шуларни инobatга олган Жумакул Қурбоновнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан “Муборак овозлар” тўплами нашр этилди. Бу ўз даврида жуда катта иш эди. Тўпладан Жумакул Қурбоновнинг ҳикоялари, каминанинг ҳажвиялари, Очил Тоҳир, Жўра Йўлбарсов, Даврон Султон, Насиба Насимова, Абдухалиқ Мустафоев, Руқия Низомова, Қурбон Фарход Қарлиқийнинг шеърлари, Моҳира Икромованинг ҳикоялари ўрин олди.

Жумакул Қурбонов мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналаридан ҳисобланган Муборак нефть

ва газ қазиб чиқариш бошқармаси (ГПУ) да қасаба уюшмаси раиси бўлганда, “Сардоба” газетасини ташкил этди. Истеъдодли шоир ва адиб Баҳодир Абдулраззоқ газета бош муҳаррирлигига тайинланди. Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Қашқадарё вилоят кенгашида фаолият юритганда “Эл” газетасига асос солди. Тахририятларни моддий — техник базасини яратиш, ижодий ва техник ходимларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш имкониятларини топди. Умуман, у қайси лавозимда фаолият юритмасин, иши масъулиятли ва айна пайтда тигиз бўлмасин қалб кечинмаларини қоғозга туширишга вақт ажрата олади. Ижодий меҳнатлар ижобий самарасини бериб келаяпти.

Жумакул Қурбоновнинг Қашқадарё тарихининг билимдони, таниқли адабиётшунос олим Поён Равшанов билан ҳаммуаллифликда ёзган “Амир Темури туғилган жой ёхуд Занжирсарой қиссаси” жамоатчилигининг, хусусан, машҳур тарихчи олимларнинг эътиборини тортди. “Райҳон ҳиди”, “Икки ўрим соч”, “Мувозанат”, “Қасам”, “Вафодор”, “Қорақўз” каби бир қанча ҳикоялар муаллифи бўлган Жумакул Қурбоновнинг ижодий маҳорати оша боргач, йирик наслий асар ёзишни ният қилди. Ва, “Сардоба” тарихий романини ёзди. Романда 1917-1924 йиллардаги миллий мустақиллик учун кураш даври бадий ифода этилган. Асар воқеаларининг ривоятларга асослангани, қаҳрамонларнинг ишонarli тасвири беихтиёр китобхонни ўзига тартади.

Жумакул Қурбоновнинг асарлари асосида тайёрланган телефильмлар Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг олтин фондидан ўрин олганлиги, “Қорақўз” ҳикояси “Ўзбек насли” туркумидаги радиодастурда ўқилганлиги ва Ўзбекистон радиоканалининг овозлар хазинасида жойлаштирилгани адиб асарлари муҳаррир ва режиссёрлар эътиборида эканлигига яққол далилдир.

Абдулла АЙИЗОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси